

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ЁДГОРОВ ЎТКИРЖОН АБДУЛЛА ЎҒЛИ

**COVID-19 ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ёдгоров Ўткиржон Абдулла ўғли

COVID-19 эпидемиологик хусусиятлари ва унинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш..... 3

Ёдгоров Уткиржон Абдулла угли

Эпидемиологические особенности и усовершенствование эпидемиологического надзора за COVID-19..... 25

Yodgorov Utkirjon Abdulla ugli

Epidemiological features and improvement of epidemiological surveillance of COVID-19..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ЁДГОРОВ ЎТКИРЖОН АБДУЛЛА ЎҒЛИ

**COVID-19 ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ
ЭПИДЕМИОЛОГИК НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 – Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2930 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманова Жамила Амановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Маматқулов Иброҳим Ҳомидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мадреймов Амет
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда COVID-19 инфекцияси билан касалланганлар сони ҳозирги кунда 695 367 604 нафарга етганлиги таъкидланмоқда. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, «...COVID-19 инфекциясининг Омикрон – ВА.4 ва ВА.5 каби ўта юқумли субвариантларини тарқалиши туфайли дунё бўйича коронавирус инфекцияси билан зарарланиш, касалхонага ётқизилиш ва ўлим ҳолатларининг сони ортиб бормоқда, хусусан, ВА.5 варианты 2022 йилнинг апрелида дастлаб Африка минтақаси, июнь-июль ойларида эса АҚШ ва Европа, кейинроқ Россияда етакчи...»¹ бўлди ҳамда 2022 йилнинг ноябр ойи ҳолатига кўра, 2,6 миллиондан ортиқ кишида COVID-19 аниқланиб, беморларнинг қарийб 8,5 минг нафари ҳаётдан кўз юмган. Шу жиҳатдан, COVID-19 касаллигининг ривожланишини олдиндан башоратлаш ва эпидемияга қарши профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш кабилар амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда COVID-19 эпидемиологик хусусиятлари ва унинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, COVID-19 касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш, касаллик кўзғатувчисининг молекуляр-генетик хусусиятларни аниқлаш, касалликни авж билан кўтарилишини олдиндан башоратлашнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, эпидемик кўтарилиш, ўлим билан якунланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликни олдини олишнинг самарадор усулларини асослаш, касалликни олдини олишни самарали йўллари ишлаб чиқиш, SARS-Cov-2 вирусининг молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш ва улар асосида махсус профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда COVID-19 эпидемиясининг ривожланишини олдиндан башоратлаш, эрта ташхисот усулларини такомиллаштириш бўйича кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда инфекцияга қарши профилактика чораларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга мувофиқ, «...касалликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхис қилиш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирламчи тиббий-санитария муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар, тез ёрдам станциялари ва шошилишч тиббий ёрдам муассасалари) ўртасида тузилмавий боғлиқлик ва ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолиятни йўлга қўйиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида COVID-19 инфекцияси эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни замонавий тиббий ёрдамни янги босқичга кўтариш

¹ WHO. Weekly epidemiological update on COVID-19 - 30 November 2022. <https://www.who.int/publications/m/item/weekly-epidemiological-update-on-covid-19---30-november-2022>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармони.

орқали касалланишни камайтириш ҳамда сифатли тиббий ёрдам учун замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра, COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражаси давлат ва ҳудудлар ўртасида сезиларли равишда тенг тақсимланмади. Масалан, Шимолий ва Жанубий Америкада 2021 йилнинг охирисига келиб 102287397 та тасдиқланган ҳолат рўйхатга олинган бўлса, Африкада ушбу ҳолат 7 164 485 тани ташкил қилган. Европа давлатларида ҳам худди шундай фарқ аниқланди, ушбу вақт оралиғида COVID-19 билан касалланиш даражаси Швецияда 100 000 аҳолига нисбатан 12730,79 та янги ҳолатни ташкил қилган бўлса, қўшни Норвегия давлатида 7439,44 та янги ҳолат тасдиқланган. Alberto Ruano-Ravina ва ҳаммуаллифлар (2022) ушбу ҳолатни уй хўжалиги тузилиши, ушбу ҳудудда аҳоли зичлиги, битта хонадонда яшовчи кишилар сони, ҳаёт тарзи ёки алоҳида давлатларнинг урф одатлари ҳамда кафе, ресторан, барларда учрашувлар сонининг юқорилиги билан боғлашди. Shrivastava A. ва ҳаммуаллифлар (2020) эса аҳолининг ўртача ёши ва аҳолининг мобиллиги, иқлим қирралари билан боғлашди.

Россиядаги пандемиянинг биринчи тўлқини (2020 йил март-май) аҳоли зичлиги ва юқори даражадаги алоқаларга эга бўлган йирик агломерацияларга энг кўп таъсир кўрсатди: халқаро транспорт, товар ва молиявий оқимлар марказлари, чегара ва қирғоқ бўйи минтақаларида тасодифий ҳолатлар устунлик қилди (N. A. Kravchenko 2021), аммо OECD ҳисоботи (2021) бўйича, аҳоли зичлиги ва касалланиш даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик аниқланмади.

2020-йил 30-апрел ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2019-йилда янги турдаги коронавирус (COVID-19) касаллиги аниқланган бўлиб, 15-мартдан 30-апрелгача бўлган вақт оралиғида республика бўйича

2039 та ҳолат тасдиқланган. Кузатилган касаллик ва ўлим ҳолатлари вилоятлар кесимида тенг тақсимланмаган. COVID-19 клиник аломатлари бўйича маълумотлар носпецифик бўлиб, белгиларсиз енгил кечишдан ўлимгача олиб келувчи оғир шаклларда кечиши маълум (KyungHee Kim, L.N.Tuuchiev et all, 2020). Аммо, касаланиш ва кузатилган ўлим даражасига таъсир этувчи омиллар ўрганилмаган. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасида кузатилган касалхона ташқарисидаги пневмония билан касалланиш даражасига COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражасининг таъсирини баҳолаш, касалланиш ва ўлим даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, касалликни авж билан кўтарилишини олдиндан башоратлаш, профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш жуда долзарбдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган (2020-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 нинг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш асосида унинг эпидемиологик назоратини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасидаги COVID-19 билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасини ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлил этиш;

Ўзбекистон Республикасида COVID-19 касаллигининг эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида кузатилган касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш даражасига COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражасининг таъсирини аниқлаш;

COVID-19 инфекцияси учун эпидемик вазият башоратини моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада 2020-2022 йилларда рўйхатга олинган COVID-19 инфекцияси, 2015-2021 йилларда рўйхатга олинган ўткир респиратор касалликлар ва касалхонадан ташқари пневмония, Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонасида 2020-2022 йиллар давомида вафот этган 464 нафар беморлар ҳамда шу касалхонада даволаниб соғайиб кетган 718 нафар роандомизация (тасодикий) усулида танланган беморларнинг касаллик тарихи маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида республикада 2020-2022 йилларда кузатилган COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражаси, унинг мавсумийлиги, касалланиш даражасини Тошкент шаҳри ва республика вилоятларида учрашининг қиёсий таҳлили, касалланиш даражаси ва ўлимга таъсир этувчи хавф омиллари ҳамда республикада 2015-2021 йилларда рўйхатга олинган ўткир респиратор касалликлар, касалхонадан ташқари пневмония ва COVID-19 инфекциясидан касалланиш ҳолатлари, Республика

махсус 2-сон Зангиота шифохонасида вафот этган ва даволанган беморларнинг маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш учун эпидемиологик усул (ретроспектив таҳлил, оператив таҳлил) ва статистик (корреляцион боғлиқлик (r), гуруҳлар ўртасида ўртача қийматнинг статистик фарқи (P)) усуллардан фойдаланилган. Касалланишни башорат қилишда SIR, ARIMA, R_t математик моделлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 инфекциясининг Ўзбекистон Республикаси учун хос бўлган эпидемик кўтарилиши, зарарланганларнинг умумий улушига нисбатан кузатилган ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичи, юқумлилик даражаси юқори бўлган вирусни янги штамми сабабли юзага келганлиги исботланган;

худуд ер майдонининг 10 минг км² дан кичик бўлиши, шаҳар аҳолиси сонининг юқори бўлиши, беморларнинг кекса ва қария ёшдалиги, тана вазни индексининг 31 дан юқорилиги, турли хил йўлдош касалликлари мавжуд беморларда касалликнинг ўлим билан яқунланиш эҳтимоли 10 баробар юқори эканлиги ҳамда ушбу омиллар касалликни прогнозлаш формуласидаги β - ва γ -қийматларини белгилашга ёрдам бериши исботланган;

республикада 2020-2021 йилларда кузатилган COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши сабабли, ушбу йилларда касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш кўрсаткичининг олдинги йилларга нисбатан 8 баробарга кўтарилиши исботланган;

COVID-19 инфекциясига қарши эмлаш ва эмлаш билан қамраб олиш натижасида аҳоли орасида инфекцияга қарши иммунитетни ҳосил бўлиши сабабли, эмлаш самарадорлигини башоратлаш орқали COVID-19 инфекциясини аҳоли орасида сезиларли даражада камайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекцияси эпидемик кўтарилиш йўналишини илмий асосланиши, келажакда мутацияга учраган COVID-19 инфекцияси штамmlарини тарқалиш йўналишини олдиндан башоратлаш эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкиллаштиришда амалий ёрдам бериши аниқланган;

COVID-19 инфекцияси билан касалланган тана вазни индексини 31 дан юқори бўлган ва турли хил йўлдош касалликлари мавжуд бўлган кекса ва қария ёшдаги беморларни касалхонага эрта ётқизиш, даво чораларини эрта бошлаш худудларда ўлим даражасининг пасайишига сабаб бўлганлиги асосланган.

касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш даражасининг ортиши, COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ бўлганлиги исботланган;

мувофиқлаштирилган SIR-математик моделидан фойдаланган ҳолда келгуси даврларда COVID-19 инфекциясининг мутацияга учраган штамmlарини маъмурий худудларда тарқалиши мумкинлигини олдиндан башоратлаш орқали эпидемиологик назоратнинг такомиллаштирилиши ва иқтисодий сарф харажатларни 16 миллион 364 минг 820 сўм миқдорда тежалиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг иқтисодий жиҳатидан арзон ва ҳаммабоплиги, олинган маълумотларнинг статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги билан белгиланади, бундан ташқари математик модел ёрдамида COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражасини олдиндан башоратлаш, касалланиш ва ўлим даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлашда олинган маълумотларнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, республикада COVID-19 инфекцияси билан касалланиш ва ўлим даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, республикада кузатилган COVID-19 инфекцияси билан касалхонадан ташқари пневмонияни учраш даражаси ўзаро қиёсий асослаш билан аниқланган омиллар асосида SIR, Rt ва ARIMA моделларини Ўзбекистон Республикасига мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, мувофиқлаштирилган SIR-математик моделидан фойдаланган ҳолда COVID-19 инфекциясининг мутацияга учраган штамлари келгуси даврларда маъмурий ҳудудларда тарқалиши мумкинлигини олдиндан башоратлаш ёрдамида шифохоналарда ўрин-жойлар сони, дори воситалари ва шахсий ҳимоя воситалари захирасини тайёрлаш, эпидемиологик назоратни такомиллаштириш орқали иқтисодий сарф ҳаражатларни 16 364 820 сўм миқдорда тежалиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Эксперт кенгашнинг 2023 йил 30 октябрдаги 9-сон хулосасига кўра:

COVID-19 инфекциясининг Ўзбекистон Республикаси учун хос бўлган эпидемик кўтарилиши, зарарланганларнинг умумий улушига нисбатан кузатилган ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичи, юқумлилик даражаси юқори бўлган вирусни янги штамми сабабли юзага келганлиги исботланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида 2022 йил 9 сентябрдаги №39 сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти бошқармасида 2023 йил 14 июндаги №33 сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 декабрдаги 8н-з/677-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекциясининг мутацияга учраган штамларини авж билан кўтарилишини башоратлаш орқали беморларни даволашга сарф бўладиган дори-дармонлар захирасини ва касалхоналарда уларга зарур бўладиган ўрин-жойлар сонини олдиндан тайёрлаш имконини беради. COVID-19 инфекциясининг эпидемик авж билан кўтарилишини олдиндан башоратлаш орқали туманлар кесимида 16 миллион 364 минг 820 сўмнинг тежалиш имконини беради. Хулоса:

Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекцияси эпидемик кўтарилиш тўлқинлари Тошкент шаҳри ҳамда республиканинг бошқа вилоятларида қиёсий равишда ўрганилиши орқали эпидемик кўтарилиш йўналиши, рўйхатга олинган ўлим ҳолатининг юқори кўрсаткичлари республикада кузатилган эпидемик кўтарилишнинг учинчи тўлқинига мувофиқ келишини илмий асосланиши республикада COVID-19 инфекциясининг эпидемик авж билан кўтарилишини олдиндан башоратлаш, шу орқали туманлар кесимида 16 миллион 364 минг 820 сўмни тежалишига имкон берди;

худуд ер майдонининг 10 минг км² дан кичик бўлиши, шаҳар аҳолиси сонининг юқори бўлиши, беморларнинг кекса ва қария ёшдалиги, тана вазни индексининг 31 дан юқорилиги, турли хил йўлдош касалликлари мавжуд беморларда касалликнинг ўлим билан яқунланиш эҳтимоли 10 баробар юқори эканлиги ҳамда ушбу омиллар касалликни прогнозлаш формуласидаги β - ва γ -қийматларини белгилашга ёрдам бериши исботланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида 2022 йил 9 сентябрдаги №39 сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти бошқармасида 2023 йил 14 июндаги №33 сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 декабрдаги 8н-з/677-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID-19 инфекциясини эпидемик авж билан кўтарилишнинг энг юқори бўладиган куни белгиланди, шу куни касалланиши мумкин бўлган беморларнинг сонидан келиб чиқиб, уларни даволаш жараёнида ишлатиладиган дори-дармонлар захирасини ва касалхоналарда беморларга зарур бўладиган ўрин-жойлар сонини олдиндан тайёрлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: беморларнинг кекса ва қария ёшдалиги, тана вазни индексини 31 дан юқорилиги, артериал гипертония, қандли диабет, турли хил даражадаги камқонлик каби йўлдош касалликлари бўлган беморларни касалхонага эрта ётқизиш, даво чораларини эрта бошлаш касалхонада даволаниш кунларини ишонарли равишда қисқариши ҳамда ҳар бир беморни даволашда ишлатиладиган сарф харажатларни камайиши орқали туманлар кесимида 16 миллион 364 минг 820 сўмни тежалиш имконини берди. Хулоса: Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекциясининг худудларда тарқалиш даражасига таъсир этувчи илмий асосланган омилларни эътиборга олган ҳолда SIR-математик моделини мувофиқлаштириш, республикада COVID-19 инфекциясининг эпидемик авж билан кўтарилишини олдиндан башоратлаш шу билан бирга COVID-19 инфекциясини ўлим билан яқунланишига таъсир этувчи илмий асосланган омилларни эътиборга олган ҳолда беморларни касалхонага эрта ётқизиш, даво чораларини эрта бошлаш касалхонада даволаниш кунларини ишонарли равишда қисқариши ҳамда ҳар бир беморни даволашда ишлатиладиган сарф харажатларни камайиши орқали туманлар кесимида 16 миллион 364 минг 820 сўмнинг тежалишига имкон берди;

республикада 2020-2021 йилларда кузатилган COVID-19 инфекциясининг оғир кечиши сабабли, ушбу йилларда касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш кўрсаткичининг олдинги йилларга нисбатан 8 баробарга кўтарилиши исботланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида 2022 йил 9 сентябрдаги №39 сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти бошқармасида 2023 йил 14 июндаги №33 сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 декабрдаги 8н-з/677-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ўтказилган тахлил кейинчалик COVID-19 инфекциясининг мутацияга учраган штаммларининг авж билан кўтарилишида касалхонадан ташқари пневмония қийматининг кўтарилишини олдиндан башоратлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Касалхонадан ташқари пневмония қийматини кўтарилишини олдиндан башоратлаш ва мақсадга йўналтирилган давони ўтказиш ҳар бир бемор стационарда ётиши учун давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг (озик-овқат, тиббий ходим хизмати, бемор ётоғи, электр энергия сарфи ва бошқалар (дори-дармондан ташқари)) 40%дан 100%гача тежалади. Хулоса: Ўзбекистон Республикасида 2020-2021 йилларда касалхонадан ташқари пневмония қийматини олдинги йилларга нисбатан 8 баробарга кўтарилганлигининг аниқланиши ҳамда ушбу ҳолат республикада кузатилган COVID-19 инфекцияси билан боғлиқлигининг асосланиши, кейинчалик COVID-19 инфекциясининг мутацияга учраган штаммларининг авж билан кўтарилишида касалхонадан ташқари пневмония қийматининг кўтарилишини олдиндан башоратлаш давлат томонидан беморларни даволашга ажратиладиган маблағнинг 40%дан 100%гача тежалиш имконини берди;

COVID-19 инфекциясига қарши эмлаш ва эмлаш билан қамраб олиш натижасида аҳоли орасида инфекцияга қарши иммунитетни ҳосил бўлиши сабабли, эмлаш самарадорлигини башоратлаш орқали COVID-19 инфекциясини аҳоли орасида сезиларли даражада камайиши исботланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида 2022 йил 9 сентябрдаги №39 сонли буйруқ ҳамда Бухоро вилояти бошқармасида 2023 йил 14 июндаги №33 сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 15 декабрдаги 8н-з/677-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган математик моделлар ёрдамида туманларда рўйхатга олинган касалланиш ҳолатлари эҳтимолий табиий кечиш ҳолати касалхоналарда зарур бўладиган ўрин-жойлар сони, уларга сарф бўладиган дори-дармонлар қиймати эмлашдан олдинги ва эмлашдан кейинги даврда қиёсий баҳоланди, эмлаш ўтказилган вақтда касалланишларнинг олдини олиниши туфайли тежаладиган сарф ҳаражат ҳисоблаб чиқилди. Илмий янгиликнинг иқтисодий

самарадорлиги қуйидагилардан иборат: математик моделни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш орқали бевосита ва билвосита харажатларни камайтириш ҳисобига туманлар кесимида 16 миллион 364 минг 820 сўмни тежалиш имконини беради. Хулоса: Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекциясига қарши эмлаш самарадорлигини башоратлаш орқали келажакда COVID-19 инфекциясини аҳоли орасида сезиларли даражада камайиши, шу орқали туманлар кесимида 16 миллион 364 минг 820 сўмнинг тежалишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, изланишнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишонарлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 эпидемиологик хусусиятларининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир илмий манбаларнинг таҳлили ёритилган. COVID-19 билан касалланиш даражасини дунё бўйича таҳлили, COVID-19 кечиш хусусиятлари, этиологияси, эпидемиологияси, COVID-19 дан кузатилган ўлим даражасини дунё бўйича таҳлили ҳамда COVID-19 ни эпидемиологик назорати, ўтказилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**COVID-19 эпидемиологик хусусиятлари ва унинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш тадқиқотининг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ва тадқиқот материаллари ҳамда усуллариининг тавсифи келтирилган. Тадқиқотнинг «ретроспектив» усули бўлиб, бунда эпидемиологик усул (ретроспектив таҳлил, оператив таҳлил) ва статистик усуллардан фойдаланилган. Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасидан олинган республикада 2020-2022 йилларда кузатилган COVID-19 инфекцияси билан касалланиш ҳамда кузатилган ўлим ҳолатлари бўйича расмий маълумотлар олинди. COVID-19 инфекциясидан кузатилган ўлим ҳолатларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонасида 2020-2022 йиллар давомида вафот этган 464 нафар беморлар (асосий гуруҳ) ҳамда шу касалхонада даволаниб соғайиб кетган 718 нафар беморларнинг (қийсий гуруҳни) касаллик тарихи рестроспектив таҳлил қилинди. Олинган натижаларга статистик ишлов беришда «Microsoft Excel» 2016 (XP) дастуридан фойдаланилган.

Диссертациянинг «COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражаси ва ундан кузатилган ўлим ҳолатларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасидаги COVID-19 билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикаси вилоятлар кесимида қийсий таҳлили натижалари баён этилган. Олинган натижаларга кўра, 2020 йилнинг март ойидан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекциясининг учта тўлқини кузатилган (1-расм).



1-расм. Республикада 2020 йил март ойидан 2022 йилнинг май ойигача кузатилган COVID-19 инфекцияси билан касалланганлар ва соғайганлар кўрсаткичлари таҳлили (м.р. да)


Биринчи ва иккинчи тўлқин йилнинг иссиқ кунлари, яъни ёз ойларига тўғри келган бўлса, учинчи тўлқин йилнинг совуқ вақтида кузатилган.

Тошкент шаҳрида эпидемик кўтарилиш ҳам учта тўлқиндан иборат бўлди. Республикада кузатилган биринчи тўлқиннинг чўққиси 2020 йилнинг август ойига тўғри келган бўлса, Тошкент шаҳрида бу сентябр ойига тўғри келди, бу вақтда республикада касалланиш даражаси пасайишга мойил бўлган.

Биринчи тўлқин республикада бир кўтарилиб, кейин аста-секин пасайган бўлса, Тошкент шаҳрида касалланиш даражаси кўтарилиб, июн, июл, август ва сентябр ойларида юқори кўрсаткичлар кузатилди, кейин кескин пасайди, яъни Тошкент шаҳрида биринчи тўлқин республикага нисбатан давомли

бўлди, фақатгина декабр ойига келиб, касалланиш даражаси бир-бирига яқин бўлди (2 – расм). Иккинчи тўлқиннинг чўққиси республикада 2021 йилнинг август ойига тўғри келган бўлса, Тошкент шаҳрида эса иккинчи тўлқин эрта бошланди ҳамда июл ойида иккинчи тўлқиннинг чўққиси кузатилди.


Кейинги ойларда касалланиш даражаси Тошкент шаҳри ва республика бўйича яқин қийматларда кечди ҳамда учинчи тўлқиннинг чўққиси ҳам 2022 йилнинг январ ойига тўғри келди. Тошкент шаҳрида кузатилган эпидемик кўтарилишлар йилнинг ёз, баҳор ва қиш ойларига тўғри келган, яъни йилнинг деярли барча ойларида касалланиш даражаси республиканинг бошқа вилоятларида пасайишига қарамасдан сақланиб қолган.



2 – расм. Республикада кузатилган пандемиянинг учта тўлқинида COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражасини вилоятлар кесимида таҳлили (1000 аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткич)

Тадқиқотнинг кейинги босқичида биз, республикада COVID-19 инфекциясидан кузатилган ўлим ҳолатларини таҳлил этдик. Ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекциясига боғлиқ 1637 нафар ўлим ҳолатлари рўйхатга олинган, яъни шу кунгача зарарланганларнинг (253 662) 0,6% ни ташкил қилади [<https://index.minfin.com.ua/reference/coronavirus/geography/>]. Ўлим ҳолатларининг энг юқори биринчи қиймати (179) 2020 йилнинг август ойига, яъни республикада кузатилган касаллик эпидемик кўтарилишнинг биринчи тўлқинини энг юқори чўққисига тўғри келган. Кейинги ойларда ўлим ҳолатини рўйхатга олиниш даражаси аста-секин пасайиб борган ҳамда 2021 йилнинг феврал ойида энг паст қийматга етган (1). Январ ойдан бошлаб ўлим ҳолатларининг рўйхатга олиниши яна кўтарилиб бориб, 2021 йилнинг август ойида энг юқори қийматга етган (208), яъни эпидемик кўтарилишнинг иккинчи тўлқинининг энг юқори чўққисига мувофиқ келади. 2021 йилнинг октябр ойида ўлим ҳолати августга нисбатан 2,5 баробарга камайган, аммо 2022 йилнинг феврал ойигача бир кўтарилиб, бир тушиб, деярли бир хил қийматларда сақланиб турган ҳамда республикада кузатилган эпидемик кўтарилишнинг учинчи тўлқинига тўғри келган. 2022 йилнинг март ойида эса ўлим ҳолати кескин 36 баробарга пасайган, апрел ва

май ойларида эса ўлим ҳолатлари республика бўйича илк мартаба рўйхатга олинмаган (3-расм).



3-расм. Республикада 2020 йилнинг март ойидан 2022 йилнинг май ойигача COVID-19 инфекциясидан кузатилган ўлим ҳолатларининг таҳлил натижалари (м.р.да)

COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражаси республика бўйича тенг тарқалмаган, шунга кўра касалланиш даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш талаб этилади, бунга кўра, биз Ўзбекистон Республикаси вилоятларини аҳоли сонига кўра икки гуруҳга ажратдик, аҳоли сони 2 миллиондан юқори бўлган биринчи гуруҳ - Андижон (3 253 500), Қашқадарё (3 408 300), Наманган (2 931 100), Самарқанд (4 031 300), Фарғона (3 896 400), Сурхондарё (2 743 200) ва Тошкент (2 939 700) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (2 862 400) киритилди. Иккинчи гуруҳни аҳоли сони 2 миллиондан паст бўлган Бухоро (1 976 800), Жиззах (1 443 400), Хоразм (1 924 200), Навоий (1 033 900) ва Сирдарё (878 600) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (1 948 500) ташкил қилди. 2020 йилда кузатилган эпидемик кўтарилишнинг биринчи тўлқинида иккита ҳудуд орасида энг юқори касалланиш даражаси иккинчи, яъни аҳоли сони 2 миллиондан кам бўлган ҳудудда кузатилди (1000 аҳоли сонига нисбатан ўртача 1,5 ни ташкил қилди). Биринчи ҳудудда касалланиш даражаси 1,3 ни ташкил қилиб, иккинчи ҳудуддан (1,0) касалланиш даражаси 1,3 баробарга юқори бўлди. 2021 йилда кузатилган COVID-19 инфекциясининг эпидемик кўтарилишининг иккинчи тўлқинида эса касалланиш даражаси биринчи ҳудудда юқори бўлди (1,4), кейинги ўринни иккинчи ҳудуд эгаллади (0,65). COVID-19 инфекцияси эпидемик кўтарилишининг иккинчи тўлқинида касалланиш даражаси аҳоли сони 2 миллиондан юқори бўлган ҳудудларда юқори бўлди. Учинчи тўлқинда ҳам касалланиш даражаси аҳоли сони кўп бўлган биринчи гуруҳда юқори бўлди (0,82), иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳга нисбатан 3,6 баробарга паст бўлди. Аҳоли сони икки миллиондан юқори бўлган ($r_1=0,016$; $r_2=0,47$; $r_3=0,45$) ҳамда 2 миллиондан паст бўлган ҳудудларда ($r_1=0,22$; $r_2=0,14$; $r_3=0,21$)

COVID-19 инфекциясининг эпидемик кўтарилишининг уччала тўлкинида ҳам касалланиш даражаси ва аҳоли сони ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланмади.

Республика вилоятлари майдонининг катталигига кўра учта гуруҳга ажратилди: ер майдони 110 км² дан юқори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти (биринчи гуруҳ); ер майдони 40 км² дан 15 км² гача бўлган Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари (иккинчи гуруҳ) ҳамда ер майдон 8 км² дан кичик бўлган Наманган, Фарғона, Хоразм, Сирдарё ва Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (учинчи гуруҳ). Худуд майдони 10 минг км² дан кичик бўлган худудларда тескари кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=-0,83$), яъни ер майдони камайиб боргани сари касалланиш даражаси ҳам ортиб борди.



4-расм. Ўзбекистон Республикасида кузатилган COVID-19 инфекциясининг эпидемик кўтарилиш тўлқинларида касалланиш даражасини (1000 та аҳоли сонига нисбатан интенсив кўрсаткич) вилоятдаги қишлоқ аҳоли пунктларининг сонига боғлиқлиги

Вилоятлардаги қишлоқ аҳоли пунктларининг сонига мувофиқ равишда касалланиш даражасини аниқлаш учун биз, вилоятларни қишлоқ аҳоли пунктларига кўра гуруҳларга ажратдик: қишлоқ аҳоли пунктининг сони 1000 тадан юқори бўлган ҚР, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари (биринчи гуруҳ), қишлоқ аҳоли пункти 500 тадан 1000 тагача бўлган Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари (иккинчи гуруҳ), қишлоқ аҳоли пункти 500 дан кам бўлган Андижон, Наманган ва Сирдарё вилоятлари (учинчи гуруҳ). Қишлоқ аҳоли пунктлари 500 дан кам бўлган учинчи гуруҳ вилоятларида қишлоқ аҳоли пунктининг сони ва 2020-2022 йилларда рўйхатга олинган касалланиш даражаси ўртасида тескари юқори корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=-0,86$) ($p<0,05$) (4-расм). Қишлоқ аҳоли пунктларининг сони 1000 тадан ошиқ бўлган вилоятларда касалланиш даражаси қишлоқ аҳоли пунктлари 500-1000 тагача ва 500 тадан кам бўлган вилоятларга нисбатан паст бўлди (4-расм).


Вилоятлар кесимида COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражасини болалар сонига боғлиқлиги таҳлил этилганида, сезиларли тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r=-0,650$; $p<0,01$), қариялар сони ва касалланиш даражаси ўртасида тўғри юқори корреляцион боғлиқлик аниқланган ($r=0,801$; $p<0,001$).

Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонасида 2020-2022 йиллар давомида вафот этган 464 нафар беморлар касаллик тарихининг ретроспектив таҳлилида умумий беморларнинг (70 744) 0,65% вафот этганлар ташкил этган. Асосий гуруҳ беморларининг 56,03% (260) эркаклар ҳамда 43,97% аёллар ташкил қилган. Қиёсий гуруҳ беморларининг 62,4% (448) аёллар ҳамда 37,6% (270) эркаклар ташкил қилди. Тадқиқот гуруҳларида гендер нисбат таҳлил этилганида, жинслар ўртасида (OR-2,115; CI-1,67-2,66) статистик ишонарли фарқ кузатилмади ($P>0,05$). Асосий гуруҳ беморлари 24 ёшдан 95 ёш оралиғида бўлишган, ўртача ёши $66,8\pm 0,39$ ташкил қилган. Қиёсий гуруҳда эса беморларнинг ёши 18 ёшдан 73 ёшгача, ўртача $57,8\pm 0,26$ бўлган ҳамда вафот этган беморларнинг ёши статистик ишонарли равишда қиёсий гуруҳга нисбатан юқори бўлган ($P<0,001$). Вафот этганларнинг 344 нафари (74,13%) 60-90 ёш атрофидаги кексалар бўлишган, ўртача ёши $71,7\pm 0,28$ ташкил қилган, уларнинг 56,7% (195) эркаклар ва 43,3% (149) аёллар ташкил қилган. Вафот этганларнинг орасида 8 нафари (1,72%) узоқ яшовчи кишилар бўлишган, уларнинг ўртача ёши $91,75\pm 0,84$ ташкил қилган, қарияларнинг гендер нисбати 50,0%:50,0% бўлган. Вафот этганларнинг орасида кексалар ва ўрта ёшдаги кишиларнинг учраш эҳтимоли таҳлил этилганида, кексаларнинг касалликдан (OR-9,010; CI-6,692-12,1) вафот этиш эҳтимоли ўрта ёшдаги кишиларга нисбатан 9 баробарга статистик ишонарли равишда юқори бўлди ($\chi^2=232,069$; $P<0,001$). Кекса ва қариялар ўртасида касалликдан (OR-5,123; CI 3,948-6,648) ўлим кузатилиш эҳтимоли ҳам қиёсий гуруҳга нисбатан 5 баробарга статистик ишонарли равишда юқори бўлди ($\chi^2=167,141$; $P<0,001$). Касалликни ўлим билан яқунланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида, вафот этган беморлар тана оғирлиги индекси (ТОИ) таҳлил этилди. Асосий ва қиёсий гуруҳларида ташхисланган семизлик даражаси таҳлил этилганида маълум бўлдики, турли хил даражадаги семизлик ташхисланган беморлар ўртасида ўлим ҳолатининг кузатилиш эҳтимоли (OR-11,058; CI 7,951-15,380) семизлик кузатилмаган беморларга нисбатан 11 баробарга юқори бўлган ($\chi^2=253,660$; $P<0,001$).

Ўлим билан яқунланишга олиб келувчи сабаблар сифатида асосий ва қиёсий гуруҳ беморларида кузатилган йўлдош касалликлар таҳлил этилди. Асосий гуруҳ беморларининг 403 (86,9%) нафарида COVID-19 инфекцияси турли хил йўлдош касалликлар фонидида кечган. Турли хил йўлдош касалликлари бўлган беморларда касалликни ўлим билан яқунланиш эҳтимоли йўлдош касалликлари бўлмаган беморларга нисбатан 10 баробарга статистик ишонарли равишда юқори ($\chi^2=775,180$; $P<0,001$), жумладан артериал гипертония билан касалланган беморларда COVID-19 инфекциясининг ўлим билан яқунланиш эҳтимоли 7 баробарга ($\chi^2=216,267$; $P<0,001$), қандли диабет билан касалланган беморларда 6 баробарга

($\chi^2=105,580$; $P<0,001$) ҳамда турли хил даражадаги камқонлик билан касалланган беморларда 6 баробарга ($\chi^2=181,131$; $P<0,001$) статистик ишонарли равишда юқори.


Диссертациянинг «**Республикада кузатилган касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш даражасига COVID-19 инфекцияси билан касалланиш даражасининг таъсирини аниқлаш**» номли тўртинчи бобида республикада COVID-19 билан касалланиш даражасини касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш даражаси ўртасидаги боғлиқликнинг таҳлил натижалари баён этилган. Ўтказилган таҳлилга кўра, пневмония билан касалланиш даражаси тўлқинсимон характерга эга бўлиб, 2020 йилгача Ўзбекистон Республикасида кузатилган энг юқори кўрсаткич 2017 йилнинг декабр ойига тўғри келган (2134 та ҳолат). Шунга яқин қийматлар 2019 йилнинг декабр ойларига тўғри келади (1623 та ҳолат).



5-расм. 2015-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган касалхонадан ташқари пневмония ҳолатларининг тренди (м.р.да)

2020 йилнинг июн ойидан бошлаб касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш даражаси шу вақтгача энг юқори бўлган қийматга (2134) нисбатан 2,2 баробарга кўтарилди, 2020 йилнинг кейинги ойларида касалланиш даражаси янада кўтарилиб борди ҳамда сентябр ойида энг юқори қийматга етди (26487), сўнгра касалланиш даражаси аста-секин пасайиб борди, 2021 йилнинг март ойида энг паст қийматга етди (1779), аммо кейинги ойларда касалланиш яна кўтарилишга мойил бўлиб, 2021 йилнинг сентябр ойида 15834 та ҳолатга етди (5-расм). 2021 йилнинг кейинги ойларида касалхонадан ташқари пневмония билан касалланиш яна пасайиб борди, лекин олдинги йиллардаги қийматларгача пасаймади, 2020 йилнинг январ ойига нисбатан 4,9 баробарга юқори бўлди.


Оғир ўткир респиратор белгилар билан кечувчи касалликларнинг, жумладан касалхондан ташқари пневмония ва COVID-19 инфекциясининг учраш даражасини умумлаштирган ҳолда 2015-2022 йиллардаги аҳамияти ўрганилди (6-расм).



6-расм. Касалхондан ташқари пневмония ва COVID-19 инфекциясининг 2015-2022 йиллар оралиғидаги учраш даражасининг таҳлили (м.р.да)

Эпидемияни 2020 йилнинг март ойида бошланганлиги ҳамда Lockdown эълон қилинганлиги эътиборга олинса, касалланиш даражаси динамикада пасайишга мойил бўлмаган, аксинча бироз кўтарилган. Республикада кузатилган COVID-19 инфекциясининг иккинчи авж билан кўтарилиши вақтида эса, касалланиш даражаси кескин ортган, 2021 йилнинг апрел ойидан оммавий COVID-19 инфекциясига қарши эмлаш бошланганлиги эътиборга олинса, шу вақт оралиғида касалланиш даражаси ҳам пасайган.


